
Халқ қабулхонаси

Одамлар дардини эшитиш, уларнинг муаммоларига ечим топиш бугунги кун раҳбарининг асосий вазифаларидан бирига айланган. Ижтимоий, маиший соҳалардаги муаммолар билан мурожаат этиш раҳбарларнинг халқ қабулхонасида ёки сайёр қабулларда кўп учрайдиган ҳолат. Туман ҳокими Р.К.Жўраев Ўзбекистон Республикаси Президентининг тумандаги Халқ қабулхонасида ўтказган навбатдаги қабулида ҳам фуқаролар ўзларининг ижтимоий ҳимоя, маиший масалалардаги мурожаатларини эшитди. Ҳар бир мурожаатчига қабул жараёнида тегишли масъуллар раҳбарлар иштирокида жавоблар берилди. Ўрганиш таълаб этиладиган айрим мурожаатлар назоратга олинди. Шу кун 55 нафар фуқароларнинг арзи эшитилди.



2021-07-31 16:25:22